

## Тазкия дарслари (151-дарс). Осийликнинг зарарлари

**ТАЗКИЯ**  
151-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



17:00 / 28.08.2021 2856

هَلْ لَعَلَّ يَصِيَّبُ لَنَا تُعْمَسُ : لَأَقَامُهُ نَعْلُ لَلِصَّرِ رَمْعٍ نَبَا نَعْلَا  
نَاكُ : لَوْ قَيُّهُ تُعْمَسُ يِّنْ كَلْوٍ تَأْرَمُ غَبَسُ نَمْرَثُ كَأَثِي دَحْ لَوْ قَيِّ مَلْسُو  
ؤَأْرْمَا هُتَاتُفُ هُؤَلْمَعُ بِنْدُ نَمُ عُرْوَتِي أَلِ لِي ئَارْسَا يَنْبُ نَمُ لُفْ كَلَلَا  
نَمُ لَجْرَلَا دَعْقَمُ هُنْمُ دَعْقُ أَمْلَفُ ، هَأَطِي نَأُ لَعْلَعُ أَرَانِي دَنِي تَسُ هَأَطْعُ أَفُ  
لَمْعُ هُنْ كَلْوٍ ، أَلِ : تَلَأَقُ ؟ كُتْ هَرُ كَأُ أَلِ كِي كُبِّي أَم : لَأَقُفُ ، تَلْ كَبُ وَتَدَعْرَأُ وَتَأْرْمَا  
أَمُ أَدَهْتُنْ أُنِي لَعْفَتُ : لَأَقُفُ . هُؤَجْ أَلِ أَلِ هُؤِي لَعْلَعُ يِنْ لَمْحُ أَمُ ، طُقُ هُؤُ لَمْعُ أَمُ  
أَدْبَا هُؤُ دَعْبُ هَلْ لَعْلَعُ يَصْعُ أَلِ هَلْ لَعْلَعُ أَلِ : لَأَقُفُ ، كَلْ لَعْلَعُ يَبْ هَذَا ؟ هُؤُ تَلْعُفُ  
رَفْعُ دَقُ هَلْ لَعْلَعُ نَا : هُؤُ بَابُ لَعْلَعُ أَبُؤُ تَكْمُ حَبْ صَأْفُ وَتَلْ لَعْلَعُ نَمُ تَأْمُفُ  
يُدْمُرُ تَلْ لَعْلَعُ هَأُورُ . «لُفْ كَلَلَا»

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг бир ҳадисни етти мартадан кўп айтганларини эшитдим. Мен у зотнинг «Кифл Бану Исроилдан эди. У гуноҳдан сақланмас эди. Унинг олдига бир аёл келди. У унга устига чиқиш шарти ила олтмиш динар берди. У эр хотинига қандоқ ўтирадиган бўлса, унга ўшандоқ ҳолда ўтирган чоғида аёл йиғлай бошлади. Шунда у: «Нимага йиғлаяпсан? Мен сени мажбур қилдимми?» деди. «Йўқ. Аммо мен бу ишни ҳеч қилмаган эдим. Фақат муҳтожлик мени бунга мажбур қилди», деди. «Сен аввал қилмаган ишингни қиляпсанми? Бор, кетавер! Пуллар ҳам ўзингга», деди. Сўнгра «Йўқ. Аллоҳга қасамки, бундан кейин Аллоҳга асло осий бўлмайман», деди.

У ўша кечаси ўлди. Бас, унинг эшигига «Албатта, Аллоҳ Кифлни мағфират қилди», деб ёзилиб қолди», деганларини эшитдим».

Термизий ривоят қилган.

### **Осийликнинг зарарлари:**

1. Осийлик Одам ва Ҳаввони жаннатдан чиқарди.
2. Осийлик иблисни Аллоҳ таолонинг лаънатига учратди.
3. Осийлик Нуҳ қавмини тўфонга гирифтор қилди.
4. Осийлик Од қавмини томири чириган дарахтдек қулатди.
5. Осийлик Самуд қавмининг даҳшатли овоз ила ҳалок бўлишига сабаб бўлди.
6. Осийлик Лут қавмини чаппа айлантирилган ер остида ҳалок қилди.
7. Осийлик Шуъайб қавмини булутдан ёққан азоб ила ҳалок қилди.
8. Осийлик Фиръавн ва унинг қавмини денгизга фарқ қилди.
9. Осийлик Қорун ва унинг молу мулкини ерга юттирди.

Маъсиятлар банда қалбининг моғор босишига, ғофил бўлишига ва муҳрланишига сабаб бўлади.

هَيَلَعِ لَلْهَلَالِ لَصَلْهَلَالِ لَوُسَرُتَعَمَسَ : لِقَاقُ هُنَعُ هَلَالِ يَضَرَّ رَرِيْرُهُ يَبْأَنْ  
وَإِذَا تَعْمَلُ الْمُجَلْمُ دَوْنَهُ مَأْوِقًا نِيَهْتَنْ يَلِ «: وَرَبُّنْمِ دَاوَعُ أَيْ لَعَلْ لَوُقِيْ مِلْسُو  
مِلْسُمُ هَاوَرِ .» نِيْلِفَاعِلَا نْمُنْ نُوْكَيْلٍ مُثْمُوبُ لُقِ لَعَلْ لَلْنَمْتَحْيَلِ  
دَمَحَاوِيْئِئِاسْنَلَاوُ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарлари устида туриб:  
«Ёки қавмлар жумаларни тарк қилишдан тўхтарлар. Ёки Аллоҳ уларнинг  
қалбларига муҳр босур ва сўнгра ғофиллардан бўлурлар», деганларини  
эшитдим».

Муслим, Насойй ва Аҳмад ривоят қилишган.

Гуноҳлардан сақланиш қалбнинг поклигини сақлаш учун хизмат қилади.  
Шунинг учун гуноҳларни озайтириш керак. Бу иш икки дунё учун ҳам

фойдалидир.

Вакийъ ибн Жарроҳ келтирган ривоятда Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Гуноҳларни озайтиринглар! Албатта, сизлар Аллоҳ таолога гуноҳ озлигидан афзал нарса ила йўлиқа олмайсизлар».

Банда зоҳирий ва ботиний, катта ва кичик маъсиятлардан ҳазир бўлиши лозим. Кўпинча бир маъсият бошқа маъсиятга тортиши ҳам мумкин. Хусусан, қалб ва тил маъсиятлари каби ҳис қилиш қийин бўлган маъсиятлардан эҳтиёт бўлиш керак.

***«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди***